АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ОНАХОНЛАР, МУҲТАРАМА ОПА - СИНГИЛЛАР!

Куч — адолатда

# Адолат

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газета

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган.
2003 йил 7 март
9 (400)
ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда эркин нархда

# МАҚСАД – ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ

**6 март куни Словакия Республикаси Президенти Рудольф Шустер расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Ташрифнинг асосий воқеалари "Дўрмон" қароргоҳида бўлиб ўтди. Юксак мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросимидан кейин Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Словакия раҳбари билан яккама-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи, халқаро муаммолар ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Президентлар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро миқёсдаги долзарб муаммолар юзасидан фикрлашар экан, Ўзбекистон ва Словакиянинг муайян масала ё вазиятга бераётган баҳоси, қарашлари ва муносабатлари яқин эканлигини таъкидлади.



Ўзбекистон Словакиянинг Европа ҳамжамияти ва Евро-Атлантика тузилмасига интеграциялашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди ва унинг бу борадаги ютуқлари икки томонлама ҳамкорлик ривожи учун янги имкониятлар очишига қатъий ишонч билан қарайди. Ўз навбатида, Словакия Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсат майдонидаги фаол ҳаракатларини ва халқаро аксилтеррор коалициясига кўрсатаётган ёрдамини юксак даражада қадрлайди.

Икки мамлакат раҳбарияти ҳам, БМТ, НАТО, "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида халқаро уюшган жиноятчилик, қуроляроғ ва наркотик моддалар контрабандаси, миллий, минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш лозим, деган фикрни ёқлайди.

Президентлар ўзаро муносабатларни муҳокама қилар экан, савдо-иқтисодий соҳада мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмаётганини қайд этди. Ўзбекистонда словакиялик шериклар билан тузилган қўшма корхоналар сони анча кам. Савдо-иқтисодий муносабатларни баҳолашда асосий мезон вазифасини ўтайдиган экспорт-импорт ҳажми ҳам томонларни қониқтирмайди. Президентлар иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида тузилган ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг фаоллигини ошириш ҳамда Словакияга Ўзбекистондан мутахассис ва ишбилармонлардан иборат делегация жўнатишга келишиб олди. Матбуот анжуманида мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу делегация бевосита корхона ва ташкилотларда бўлиб, ҳамкорлик имкониятларини ўрганади. Мулоқотлар ниҳоясига етгач эса, Словакия Президенти қабулида бўлиб, қандай натижаларга эришилгани ҳақида ахборот беради. Яъни, савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масаласи давлат раҳбарларининг назоратида бўлади.

Ўзбекистон ва Словакия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида ҳам асосан иқтисодий ва сиёсий масалаларга эътибор қаратилди. Президент Ислом Каримов машинасозликда, жумладан, саноатнинг тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, энергетика, нефт қазиб олиш ва қайта ишлаш, мебелсозлик каби тармоқлари ускуналарини ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлик самарали ривожланиши мумкинлигини таъкидлади. Шунингдек, кимё, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги, компьютер техникасига оид соҳаларда илмий-техникавий ҳамкорлик имкониятлари катта эканлигини қайд этди. Словакия ишбилармонларини Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг май ойида Тошкентда бўлажак йиллик анжуманига таклиф қилди.

Рудольф Шустернинг сўзларига кўра, Ўзбекистон раҳбари икки томонлама муносабатлар ва Словакияда кечаётган жараёнларни теран идрок этади. Словакия Президенти яккама-якка суҳбат сермазмун кечганидан мамнуният изҳор этди ва Ислом Каримовнинг ўзаро алоқаларга бундай ёндашувини юксак даражада қадрлашини таъкидлади. Ўзбекистон билан муносабатларимиз жадал ривожланмоқда. Фақат ҳуқуқий асос мустаҳкамлигига қарамай, савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик кўлами паст. Биз, аввало, шу соҳадаги алоқаларимизни ривожлантириш учун Ўзбекистонга келдик. Бизнингча, бу борада қўшма корхоналар тузиш энг самарадор йўлдир. Ўзбекистон Президенти билан суҳбат чоғида фикрларимиз бир жойдан чиқди, деди Словакия раҳбари.

Таъкидламоқ жоизки, ҳар бир корхона, ҳар бир давлат фойда бор жойга ошиқади, ўша ерда ўз ўрнига эга бўлишни хоҳлайди. Ўзбекистонда словакиялик ишбилармонлар, Словакияда ўзбекистонлик ишбилармонлар учун шундай имкониятлар мавжуд. Тўқимачилик саноатини мисол келтириш мумкин. Бу соҳаси яхши ривож топган Словакия хомашёни бевосита Ўзбекистондан олмайди. Амалда эса, хомашё, иш кучи, транспорт ва савдо нуқтаи назаридан энг катта қулайликлар таъминланадиган қўшма корхона тузишга эътибор суст. Шериклик асосида тузиладиган қўшма корхоналар, нафақат икки мамлакатнинг ички эҳтиёжларини қондириш, балки бошқа мамлакатлар бозорларига кириб бориш имконини беради. Айниқса ўз минтақаларининг марказида жойлашган Ўзбекистон билан Словакия бундай имкониятларни ишга солишдан катта наф кўриши тайин.

Жуғрофий жойлашувнинг сиёсий аҳамияти ҳам анча катта. 2004 йилнинг 1 майида Словакия Европа Иттифоқининг аъзоси бўлади. Бу эса, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик битимининг аҳамиятини янада оширишда Европанинг марказидаги давлат - Словакия муҳим ўрин тутиши мумкин, деганидир. Ўтган йилнинг ноябрь ойида Прагада Словакия НАТОга ҳам расман таклиф этилди. Рудольф Шустер ўз мамлакатининг мазкур тузилмага қўшилиши тегишли ҳужжатларнинг ратификацияси билан боғлиқлигини таъкидлар экан, ушбу жараён 2004 йили муваффақиятли якунланишига ишонч билдирди. Демак, Ўзбекистон НАТО доирасида бу мамлакат билан ҳамкорликни янада кенгайтириши мумкин. Лекин Президентлар, алоқаларни янги поғонага олиб чиқиш учун ҳозирданоқ амалий ҳаракатларни бошлаш лозим, деган якдил фикрни айтди.

Музокараларда Словакия томони Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш борасидаги музокараларда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашини билдирди. Шунингдек, Рудольф Шустернинг Словакия 2006-2007 йилларда БМТ Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзоси бўлишини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифини Ислом Каримов маъқуллади.

Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини 17 ҳужжат ташкил этар эди. Улар орасида Президентимизнинг 1997 йил 16-17 январь кунлари Словакияга расмий ташрифи чоғида имзоланган Ўзаро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартнома, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш ҳамда савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик ҳақидаги битимлар алоҳида ўрин тутади. "Дўрмон"даги музокаралар якунида бу ҳужжатлар сирасига яна иккитаси қўшилди. Ўзбекистон билан Словакия ўртасида икки томонлама солиқ солиш ва мулкдан келадиган даромаддан солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида ҳукуматлараро битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Словакия "Эксибанки" ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

"Дўрмон"даги тадбирлар ниҳоясига етгач, Словакия раҳбари Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султонов ҳамроҳлигида Хотира майдонига ташриф буюрди. Юксак мартабали меҳмон эрк ва тинчлик йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтириб, "Мотамсаро она" ёдгорлиги пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Словакия Президентига мазкур академиянинг Фахрий доктори унвони берилди. Рудольф Шустернинг бу ерда таълим бераётган олим ва мутахассислар ҳамда таҳсил олаётган талабалар билан учрашувида икки мамлакатнинг маданий-маърифий, илмий алоқалари хусусида сўз борди.

Словакия раҳбари Темурийлар тарихи давлат музейида Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий ашёлар, нодир экспонатларни кўздан кечирар экан, Ўзбекистон халқи мустақиллик йилларида маънавий қадриятларни тиклаш, аждодлар меросини ўрганиш, буюк алломалар ҳурматини жойига қўйиш борасида ўрнак бўлгулик ютуқларга эришганини таъкидлади. Зиёрат сўнггида Рудольф Шустер музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат битиб қолдирди.

Шу билан Словакия раҳбари ташрифининг расмий қисми ниҳоясига етди. 7 март куни юксак мартабали меҳмон Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилишни режалаштирган.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

***АҚШнинг давлат котиби Колин Пауэллнинг таъкидлашича, келгуси ҳафта бошида Оқ уй маъмурияти Ироққа нисбатан куч ишлатиш имконини берувчи янги резолюцияни БМТ Хавфсизлик Кенгаши овоз бериши учун киритиш ёки киритмаслик масаласини муҳокама этади.***

Мамлакат қуруқлик қўшинлари таркибига кирувчи «Old Ironsides» дивизияси Форс кўрфазига бориш учун буйруқ олди. Дивизия етиб келса кўрфаздаги АҚШ кучларининг сони 300 минг кишига етади. Аммо 62 минг кишилик контингентни Ироқ ҳудудига Туркия орқали киритишга ҳозирча Туркия парламенти розилик бергани йўқ. Вашингтон розилик эвазига Анқарага йирик миқдорда молиявий ёрдам беришни таклиф этмоқда.

* * *

***Филиппин давлатининг Давао шаҳри аэропортида рўй берган портлаш туфайли 21 киши ҳалок бўлиб, 157 киши жароҳат олган эди.***

Мамлакат мудофаа вазири Анхело Рейснинг маълум қилишича, ушбу террорчилик ҳаракатида гумон этилиб, беш киши ҳибсга олинган. Яқин кунларда ана шундай шахслардан яна бир нечтаси қўлга олиниши керак. Ҳозирча ушбу фожеани жавобгарлигини ҳеч ким ўз зиммасига олмаяпти. Воқеа юз берган жойга келган Филиппин Президенти Глория Аройо маҳаллий ҳокимият вакиллари билан биргаликда терроризмга қарши кураш чораларини муҳокама этди. Айни пайтда мамлакатдаги барча ҳаво ва денгиз портлари, нефт омборлари, йирик ташкилотлар, банкларда хавфсизлик чоралари кучайтирилди. Ўша куни Тагун шаҳрида граната портлаши оқибатида уч киши жароҳат олган эди.

* * *

***АҚШ Президенти Жорж Буш келгуси беш йил мобайнида чет элларда, хусусан Африкада ОИТСга қарши 15 миллиард доллар, шунингдек, 2004 йилда жаҳон мамлакатларига озиқ-овқат ёрдами кўрсатиш бўйича 1 миллиард доллар маблағ ажратишни сўраб Конгрессга мурожаат қилди.***

Мазкур илтимос АҚШ Президентининг анъанавий радиомурожаатида эълон қилинди. Хусусан, Жорж Буш бугунги кунда 30 миллионга яқин одам азобланаётган Африка мамлакатларидаги ОИТСга қарши фавқулодда режасини таклиф қилди.

Ж. Бушнинг фикрича, таклиф этилаётган режа ОИТС вирусини юқтирган 7 миллион кишини, шунингдек яна 2 миллионга яқин мазкур хасталикка чалинган инсонларни даволаш имконини беради.

Ж. Буш Конгрессдан сўраётган маблағ асосан Африка мамлакатлари учун Америка дори-дармонларини сотиб олишга сарфланиши лозим.

АҚШ Президенти ўз мурожаатида ОИТС муаммосини бутун Африка қитъасини қамраб олган озиқ-овқат тақчиллиги билан боғлади.

* * *

***Жорий йилнинг ёзида биринчи марта Европа космик аппарати Ой орбитасига йўл олади.***

Ракета ташувчининг аҳволи қониқарли деб топилса, «Смарт-1» 15 июль куни учирилиши лозим. Илмий экспедициянинг мақсади Ой юзининг рентген харитасини тузишдан иборат.

* * *

***Хавфсизлик кенгаши аъзолари БМТнинг Ироқдаги назоратчилари гуруҳи раҳбари Ханс Бликсдан ҳисоботни олишга муваффақ бўлди.***

Маърузада айтилишича Ироқ инспекторларга тақиқланган қуролни излаб топишда ёки уни йўқотилганлиги тўғрисида аниқ ахборот тақдим этишда янада фаол кўмаклашиши лозим. Х. Бликс қўйилган айрим қадамлар Ироқ томонидан аввал қабул қилинмаганлигига таажжуб билдирмоқда. Ханс Бликснинг шу ҳафта ичида Хавфсизлик Кенгаши аъзоларига инспекторлар иши тўғрисида тўла ҳисобот бериши кўзда тутилмоқда.

*8 март — Халқаро хотин-қизлар куни*

# «СИЗ АЙТГАН АЛЛАДА ГУЛ ИСИ БОРМИ...»

*Дилхат*

***Бибихонимнинг оламаро шуҳратига гувоҳ бўлган қадим Самарқандда бугун ҳам гўзал, оқила, юртпарвар аёллар бисёр. Уларни ҳар соҳада, қайноқ меҳнат жабҳасида учратамиз. Олима ёки шоирами, тадбиркор ёхуд раҳбарми – ҳар бири замон масъулиятини, истиқлол моҳиятини чуқур ҳис этган. Ўз изланиш-интилишлари билан ислоҳотлар кутилган натижалар беришига, вилоят ҳаёти гуллаб-яшнашига азму қарор қилган жонкуяр, қатъиятли аёллар.***

***Мухбиримиз байрам арафасида уларнинг айримлари билан суҳбатлашди, дил муддаолари, орзу, ҳаяжонлари билан қизиқди.***

**Хадича ЖАЪФАРОВА – вилоят тадбиркор аёллар уюшмаси раиси:**

– Бугун Самарқандда аёллар катта ижтимоий куч сифатида майдонга чиқишган десам сира янглишмайман. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли маҳаллалар обод, хонадонларда саранжом-саришталик, тадбиркорлик соҳасида эса омад кулиб боқмоқда. Уюшмамиз бугун 1000 нафардан зиёд тадбиркор аёлни ўз қанотига олган. Улар асосан миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, маиший хизмат, саноат, тиббиёт соҳаларида ўзгариш ясаш, қишлоқларда эса фермерлик ҳаракатига янги сифат, суръат бағишлаш билан машғул. Вилоятда ўтган йили айнан тадбиркор аёллар бош бўлган кичик ва ўрта бизнес корхоналарида режалаштирилганидан миллионлаб сўм кўп халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилганлиги, пахтачиликда, ғаллачиликда салмоқли натижалар қўлга киритилгани фикримизнинг яққол далилидир.

Аёл – она, фарзандлар тарбиячиси, волидаи муҳтарама бўлиш билан биргаликда жамият учун керакли инсон. Унга жамиятда ўз мавқеини эгаллашига астойдил кўмаклашиш лозим. Айтайлик, бугун бозор иқтисодиёти шароитида хусусий бизнес билан шуғулланиб оиласига наф келтиришини истаган аёллар озмунчами? Биз бундайларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаяпмиз. Хусусан ташкилотимиз қошида «Шердор» кредит иттифоқи уюшмаси тузилганлигини алоҳида эътироф этмоқчиман. Унинг ёрдамида бугунгача 50 дан ортиқ бўлғуси тадбиркор аёлларнинг ҳар бирига 300 минг сўмдан кам бўлмаған микрокредитлар берилди. Йил охиригача яна 270 та оилага кредит ажратишни мўлжаллаяпмиз. Бу кредитларнинг фарқи – уларнинг имтиёзлилигида, расмиятчиликларсиз осон қўлга киритилишида. Бундан ташқари «Бунёдкор» ёшларга касб-ҳунар ўргатиш, уларни қайта ўқитиш, оилавий ҳаётга тайёрлаш билан банд.

Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки яқинда Англиянинг Лондон шаҳрида ўтказиладиган кичик ва ўрта бизнес вакилларининг ўзига хос халқаро кўрик-танловида уюшмамизнинг 3 нафар аъзоси ҳам иштирок этади. Улар миллий ҳунармандчилик, фермерлик ва компьютер технологияси бўйича ўз билим ва иқтидорини намойиш этишади.

Қисқаси ибратга лойиқ ишларимиз кўп. Ниятларимиз эса ундан ҳам кўп. Аёлларга мададкор бўлсак, уларнинг манфаатларини ҳар қадамда ҳимоя қила олсак – бизнинг энг катта обрўйимиз шу!

(Давоми 3-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ

8-Март Халқаро хотин-қизлар куни билан Ўзбекистондаги барча аёлларни, хотин-қизларни партиянинг барча аъзоларини, фаолларини, хайрихоҳларини қизғин муборакбод этади. Уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хонадонларига тўкин-сочинлик, ишларида омад тилайди.

Гулгун чеҳраларингиздан асло кулги аримасин азиз онажонлар, муҳтарама опа-сингиллар!



**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг аъзоси, Олий Мажлис депутати, Тошкентдаги «Фармед» хусусий фирмасининг раҳбари Дилором Тошмуҳамедова эл эъзозига мушарраф бўлган, юртда қадр топган фидойи замондошларимизнинг бири. Шунинг учун ҳам кўпчилик у ҳақида доимо илиқ сўзларни айтишади. Эришаётган ютуқларидан қувонишади. Зеро, бу бежиз эмас. Дилором Тошмуҳамедова – ҳаётда фаол аёл. Камтарликни хуш кўради. Изланиш, интилиш унинг доимий муддаосига айланган. Ютуқлар ҳам шунга монанд қувончли бўлмоқда. Бугунги кунда Дилором Тошмуҳамедова бошқараётган хусусий фирма дунёнинг ўнлаб ривожланган мамлакатлари билан яқин алоқада иш олиб бориб, халқимизга минг хилдан зиёд дори-дармонларни етказиб бермоқда. Яъни, эл соғлигини сақлашга сидқидилдан хизмат қилаяпти.**

**СУРАТДА: Дилором ТОШМУҲАММЕДОВА.**
**Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.**

# ҚЎНГИЛГА КЎЧГАН КУН

***Бардош тимсоли деб аташ керак бўлса, бу ташбеҳ ҳам Аёлга монанд келади. Баъзида кузатганим бор, улар турмушнинг ташвишларини кўпроқ ортмоқлагандай. Ҳаётнинг қувончларидан ҳам биз масурлангандай бўламиз.***

Янги йил арафасида маҳалламизда бўлиб ўтган воқеани ҳамма ҳар хил изоҳлади. Лекин мен ҳайратда қолдим. Қўшниларимиздан бирининг бўйи етган уч нафар қизи бор, бири-биридан гўзал, ақлли-хушли. Шаҳарнинг нариги бурчагидан катта қизига совчи келибди. Одатимизга кўра совчилар қизнинг оиласини, хулқ-атворини қўшнидан ёки маҳалладан суриштиради. Очиғи, маҳалламизнинг орасталиги билан мақтана олмаймиз. Маҳалла фаолларининг иши ҳам қониқарли эмас. На тўйхона бор, на маъракамизга бошқош бўладиган етакчи бор. Табиийки, келган совчилар ҳатто бирор оиланинг яхши-ёмонини суриштирадиган боши йўқ, тартибсиз, «Уйининг атрофида бир туп дарахт бўлмаган», бефайз маҳалла оилаларида рисоладагидай ораста қиз, элнинг корига ярайдиган йигит ўсиб-улғайиши, жуда қийин гап-ку?!», деб қуда томоннинг кўнглини ҳижил қилиб қўйибди.

Кўп ўтмай қўшнимиз қувониб гапириб қолди.

– Биласизми, янги йилнинг «Обод маҳалла йили» бўлишини эшитиб, Юртбоши — юртнинг отаси-да, дея қувондим. Чунки у менинг дардимни билгандай эди, бошим осмонга етди. Энди бизнинг маҳаллага ҳам сон тегадиган бўлди-да... Бошимизни биров қовуштириши шартми, ўзимиз бошлаймиз. Ўз уйимиздан, оиламиздан бошлайверамиз, – деди у бир дунё режаларини менга тўкиб-соларкан.

– Бир қарашда жуда жўн, майда-чуйда гапдай туюлган бу воқеа замирида катта фалсафа ётибди. Кўрдингизми, турмушдаги лоқайдликнинг оқибати ҳам аёлнинг гарданига маънавий пок бўлиб тушаркан, фарзанди тақдири учун ўзида доим чексиз куч-қудрат топади.

Аёлнинг иродаси тошдан қаттиқ, гулдан нозик. Дунёда байрамлар қутлуғ кунлар кўп, қувончли дамлар талайдир. Аёлнинг метиндай иродаси бир кун борки, симобдай эрийди. Зеро, у эъзознинг, эътиборнинг қудратини ҳеч нарсага алишмайди. Аёл борки, хонадонида файз, барака, гўзаллик бўлишини истайди.

Аёл кези келганда кўп хушомадларга, эътиборга сазовор бўлади. Лекин дунё аёллари бир кунда эъзоз топадиган кундаги шодликнинг шукуҳи ўзгача. Мен шу кунни йил бўйи баҳорни кутган бинафшадай интиқлик билан кутаман. Балки бундай эътиборга йилда юз марта сазовор бўларман. Аммо баҳорнинг илк кунларида Аёл қалбидаги самимият санъатига ташриф буюрадиган Инсон эътиборини қанчалар соғиниб яшашимиз фақат ўзимизга кўпроқ аёндай.

Аёлнинг кўнглини кўтариш учун дунё шарт эмас. Ширин калом, бир оғиз ширин сўз кифоя. Назаримда, менинг ҳаётимдаги қувончларнинг энг сараси ҳам ер юзи Аёлларига эътибор кунида уммондаги заррадай кўнглимни самимий йўқлаган одамчалик азиз бўлолмас.

Дунёнинг аёллари, Сизнинг қувончингиз, айёмингиз бу қутлуғ кун кўнглимга кўчиб қолади.

Кўнглимга кўчган куннинг қувончини Сизга ҳам илинаман, аёл, муқаддас Аёл.

**Саида САЙХУН.**

*Қарор ва ижро*

# «ПАХТАБАНК»: ИСЛОҲОТЛАРГА ҚАНОТ

***Бугун ким билан суҳбатлашманг акционерлик тижорат «Пахтабанк»нинг мавқеи ортиб бораётганлигини эътироф этади. Қишлоқ хўжалигидаги кенг миқёсли ислоҳотларни изчил амалга оширишга йўналтирилган банк ходимлари мижозлар билан ишлашда янгиликларни кенг қўллаётганликлари, уларга барча шароит ва қулайликларни яратиб беришга интилаётганликлари боис шундай қувончли натижаларга сазовор бўлишмоқда. Ҳукуматимизнинг банк соҳасини ислоҳ қилишга ва ривожлантиришга доир қатор қарорларини изчил амалга оширишаяпти. Хоразм вилоятида ҳам бу борадаги ишлар кенг миқёсларда олиб борилмоқда. Биз акционерлик тижорат «Пахтабанк»ининг Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи Ғуломжон ҲАКИМОВ билан учрашиб, жамоанинг бугунги қайноқ фаолияти хусусида суҳбатлашдик.***

☼ ☼

**– Аввало, «Пахтабанк»нинг мавқеини ошиб боришига олиб келган омиллар хусусидаги мулоҳазаларингизни ўртоқлашсангиз.**

– Бу айни муддао бўлур эди. Бугун ҳар қандай банкнинг хизматига иши тушган одам аввало унинг қулайлиги ва афзалликларига кўпроқ эътибор беради. Мижозлар билан ишлашдаги шароитларини чамалаб кўради. Олдинда турган танлаб олишдек қулай имконият шу тарзда маромига етиб, мижоз билан банк ўртасидаги дастлабки муносабатларга йўл очилади. Демакки, турли банклар ўз хизматларини тавсия этиб кўпчиликни ўзига чорлаб турган бир пайтда рақобатга дош беришнинг ўзи бўлмайди. Соҳамиз хизматчилари масаланинг ана шу нозик жиҳатларини доимо назарда тутишади. Банкимизнинг хизмат кўрсатиш даражасини юқори бўлишига интилишади ва бу йўлда бутун куч-имкониятлари билим ва маҳоратларини ишга соладилар. Ахир мижоз раҳматини эшитишдан ҳам ортиқ бахт борми? Мижоз розиси – ишимиз баҳоси бўлиб қолар экан улар билан ишлаётганимиздан беҳад мамнунмиз. Кўпчиликка айтадиган гапимизни яна бир бор таъкидламоқчиман: «Пахтабанк» – фаровонлигингиз калитидир.

**— «Пахта банк»нинг ислоҳотларга қанот бағишлаётганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Соҳани такомиллаштириш ва ривожлантириш юзасидан қилинаётган ишлар муҳим эътиборга молик. Уларнинг ҳар бири ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Шу ўринда бироз чекиниш қилайлик, айни пайтдаги долзарб вазифа – халқ хўжалигида дебитор ва кредитор қарзларни камайтириш бўйича банк бўлимларида амалга оширилган ишлар хусусида суҳбатлашсак.**

– Банк бўлимлари томонидан бу борада бир мунча ишлар амалга оширилди. 2003 йилнинг 1 январь ҳолатига тезкор маълумотларга кўра дебитор қарзларнинг миқдори «Пахта банк» тизимида хизмат кўрсатилаётган корхоналар бўйича 6638 миллион сўмни, кредитор қарзлар эса 15703 миллион сўмни ташкил қилиб, муддати ўтган қарзлар мавжуд эмаслиги қайд этилди. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш мақсадида 2002 йил давомида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрдаги 428-сонли қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида жами 172,5 миллион сўмлик дебитор ва кредитор қарзларини сўндириш учун занжирлар тузилиб, уларнинг амалга оширилиши натижасида 645,6 миллион сўмлик иқтисодий самараларга эришилди ва ушбу суммага дебиторлик-кредиторлик қарзлари камайтирилди.

Бундан ташқари банкнинг вилоят бошқармаси бўлимлари томонидан 673,2 миллион сўмлик факторинг хизматлари кўрсатилди ва бундан 1346,4 миллион сўмлик иқтисодий самара олинди.

**– Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш энг асосий вазифалардан бирига айланганлигини бугун ҳамма ҳис этиб турибди. Вазирлар Маҳкамасининг яқиндаги мажлисида ҳам бу ҳақда алоҳида таъкидлаб ўтилди...**

– Дарҳақиқат, юртбошимиз Ислом Каримовнинг мазкур мажлисда сўзлаган маърузасида мамлакатимизни ривожлантиришнинг ёрқин истиқболлари белгилаб берилди. Кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ана шу истиқболни белгиловчи муҳим омил сифатида қайд этилди. Бошқармамиз жамоаси томонидан бугунги кунда жами 3385 та тадбиркор ва кичик бизнес субъектларига банк хизмати кўрсатиб келинмоқда. Шундан 370 нафари якка тартибдаги тадбиркорлар, 2220 таси деҳқон ва фермер хўжаликлари ва 795 таси эса бошқа кичик ва ўрта бизнес субъектларидир. Бугунги кунгача кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида вилоят «Пахта банки»миз томонидан бир қанча ишлар амалга оширилди. Биргина 2002 йилнинг ўзида бошқармамизнинг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига 292605 минг сўмлик қисқа ва 449271 минг сўмлик ўрта муддатли кредитлар ажратилди. Ушбу кредитлардан 106795 минг сўми саноатни ривожлантириш учун, 301466 минг сўми қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун, 216913 минг сўмни кўпайтириш учун, 102452 минг сўми қурилиш ва маиший хизмат кўрсатиш учун ҳамда 14250 минг сўми бошқа тармоқларни кредитлаш мақсадларига йўналтирилди. Ушбу ажратилган кредитлар ҳисобига, вилоятимизда 732 та янги ишчи ўринлари яратилди. 2002 йил мобайнида кичик ва ўрта бизнес субъектларига банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 633000 минг сўмлик кредит ажратилди ва режа 103,9 фоизга бажарилди. Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳисобига 235 та янги ишчи ўринлар ташкил этилди. Банкимизнинг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан ўтган йил мобайнида банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 157 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига 374076 минг сўмлик кредитлар, микрокредитлар ажратилди.

Ҳозирги кунда хорижий инвестициялар иштирокида замонавий технологияларга асосланган, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолди. АТ «Пахтабанк» тизимида мавжуд бўлган халқаро кредит линиялари маблағларини ўзлаштириш ва вилоят иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида вилоят бошқармамизнинг «Лойиҳаларни молиялаштириш» бўлими томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан: Қўшкўпир тумани ҳокимлиги ва М. Раҳимов ширкат хўжалиги ташаббуси билан туманда Италиянинг «Технофурд» фирмаси технологияси асосида кунига 2000 литр сутни қайта ишлаб, сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, умумий қиймати 317158 Еврога тенг бўлган «Сардор» шўъба корхонаси лойиҳаси Германиянинг «КВФ» кредит линияси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди. Ҳозирги кунда кредитдан мақсадли фойдаланиш ва қайтарилишини таъминлаш юзасидан мониторинг ўрнатилган.

Хонқа туманидаги «Хонқа коп» МЧЖнинг Хитойнинг «Юй-Лун» компанияси билан соатига 1600 дона полипропилен қоп ишлаб чиқарувчи лойиҳаси 495000 АҚШ доллари миқдорида Осиё тараққиёт банкининг кредит линияси маблағи ҳисобидан молиялаштирилди. Завод ишга туширилиб, соатига 1200–1400 қоп ишлаб чиқарилмоқда. Биринчи фоиз тўлови ўз вақтида тўланди. Асосий қарз ва фоиз тўловларини қайтариш бўйича мониторинг ўрнатилиб, назоратга олинди. Мазкур бўлим томонидан яна вилоятимиз ҳокимининг 2002 йил 10 июндаги 103 сонли қарорига асосан «Янгибозор пахта тозалаш заводи» қошида йилига 2000 тонна ип-калава ишлаб чиқарадиган ип-йигирув фабрикасини ташкил қилиш лойиҳасини молиялаштириш режалаштирилмоқда. Лойиҳа ташаббускорлари билан ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, хорижий кредит линиялари орқали кредитлаш шартлари тўғрисида амалий ишлар олиб борилмоқда.

**– Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги № 389-сонли қарори банк мутасаддилари зиммасига ҳам катта вазифаларни юклади.**

– Ҳа, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги мазкур қарорига асосан ғалла ва пахта хом ашёси етиштирувчи фермер хўжаликларига 2003 йилдан бошлаб давлатга пахта ва ғалла етиштириш бўйича тузилган контрактция шартномаларига асосан маҳсулот қийматининг 50 фоизи миқдорида имтиёзли кредит бериш тижорат банклари зиммасига юклатилди. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида бошқармамизда 5 та ходимдан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Бундан ташқари ҳар бир туманга мазкур қарорнинг ижросини бажариш бўйича масъул ходимлар биркитилди.

Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича туманларга масъул қилиб биркитилган ходимлар томонидан жойларга чиқиб фермер хўжаликлари билан семинарлар ўтказилди ва ушбу қарорнинг моҳияти бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Бунинг натижасида «Пахтабанк» бўлимларига 2003 йилда пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари томонидан жорий йилнинг январь ойи учун 679 та фермер хўжаликларидан пахта хом ашёси етиштиришга 134131 минг сўмлик ва ғалла маҳсулоти етиштириш учун 125 та фермер хўжаликларидан 37903 минг сўмлик, шунингдек, февраль ойи учун пахта хом ашёси етиштиришга 685 та фермер хўжаликларидан 128860 минг сўмлик ва ғалла етиштиришга 214 та фермер хўжаликларидан 10715 минг сўмлик, жами, январь – февраль ойлари учун 311609 минг сўмлик имтиёзли кредитга буюртма тушди.

Туманлардаги «Пахтабанк» бўлимларига имтиёзли кредит олиш учун тушган буюртмалар асосида вилоят бошқармамиз томонидан январь ойи учун пахтага 134131 минг сўм, ғаллага 37903 минг сўм ва февраль ойи учун пахтага 128860 минг сўм, ғаллага 10715 минг сўм, жами, январь-февраль ойлари учун 311609 минг сўмлик фермер хўжаликларига имтиёзли кредит бериш учун ресурс ажратиш тўғрисида республика «Пахтабанк»ига буюртма берилган эди. Бугунги кунга келиб фермер хўжаликларига пахта хом ашёси етиштириш учун жорий йилнинг январь-февраль ойларига 226864 минг сўм ва ғалла ҳосилини етиштириш учун жорий йилнинг январь-февраль ойларига 49309 минг сўм миқдорида кредит ресурслари ажратилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 январдаги 38–6 сонли қарорига асосан вилоятда 2003 йил 14 та ширкат хўжалиги тугатилиб, уларнинг негизида фермер хўжаликлари ташкил қилинганлиги муносабати билан тугатилаётган хўжаликлар ҳудудида «Пахтабанк»нинг 7 та мини банкини очиш режалаштирилган эди. Ҳозирги кунда ушбу масала юзасидан мўлжалланган ишлар ниҳоясига етказилди. Бу шубҳасиз бизни мижозларга янада яқинлаштиради ва имкониятимизни кенгайтиришимизга кенг йўл очади.

**Суҳбатдош:**
**Рустам АҲМАДАЛИЕВ,**
**«Адолат» мухбири.**

## НАВБАҲОР НАФАСИ

Ўлкамизга сепини ёйиб Навбаҳор кириб келди. Қуёш заррин нурлари билан борлиқни илитмоқда. Қуёш меҳрига интиқ далалардаги гиёҳлар ердан бош кўтаряпти. Дов-дарахтлар навдасида маржон куртаклар бўртиб, юз очай деб қолди. Ҳадемай олам яшилликка, гулларга бурканади.

Ўзбекистон халқи аслида табиатни, гўзалликни севадиган, ардоқлайдиган халқ. У яшаётган жойи, маҳалласи, кўчаси, хонадонини доимо ораста тутишга, мева-сабзавот экиб, ўз дастурхонини тўкин, эл ризқини бутун қилишга иштиёқ сезади ўзида. Шунинг учун ҳозир қайси бир хонадонга кирманг, ерлар чопилиб, экин экишга тайёрланаётгани, дарахтлар буталиб, янги кўчатлар ўтқазилаётганининг гувоҳи бўласиз.

Тошкент туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг «Обод» кўчасида яшовчи Эргаш Муҳаматов ҳам баҳор юмушларини бошлаб юборган.

Ушбу суратда миришкор инсон набиралари Машрабжон ва Комилахонга дарахтларни буташни ўргатяпти.



Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

## МАҲАЛЛА ЁРДАМИ БИЛАН

***Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги «Жўйроб» фуқаролар йиғини жорий йилдан бошлаб кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш ишларини кучайтирди.***

Маҳалла аҳлининг ҳеч бири фуқаролар йиғини эътиборидан четда қолмаяпти. Зарур ҳолларда улар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Тўй-ҳашам ва маросимлар маҳалла оқсоқоллари билан бамаслаҳат ўтказиляпти. Шунингдек, бу ерда ободонлаштириш, газлаштириш ва ичимлик суви келтириш борасида ҳам катта ишлар қилинди. Биргина ўтган йилнинг ўзида «Жўйработ» ва Олим Эргашев номидаги маҳаллалардаги 350 хонадонга табиий газ келтирилди.

*Ислоҳот ва самара*

# ҚАНОАТ БИРЛА АЗИЗ

***Ҳаётда исми жисмига монанд, яхши номларнинг ифодаси бўлган инсонлар кўплаб топилади. Сирдарёлик Мўмин ака ҳам ана шундай одамлар тоифасидан. У ҳақиқий мўмин-қобил, кенг феълли, саховатли, том маънодаги яхши инсонлардан бири. Аксарият ҳолларда юмшоқ табиатли одамлар раҳбарлик лавозимларида ишлай олмайди, раҳбар қўл остидагиларга дўқ уриб, зуғум қилиб турса иш силлиқ кетади, дейишади. Аслида ҳам шундаймикин?! Нимагадир замон зайли билан бундай фикр одамларга ўрнашиб қолган. Ҳаммаси бекор гап. Қанчадан-қанча кўнгилчан, бағри кенг, хушмуомала раҳбарлар борки, уларни кўриб, ишлари билан танишиб, суҳбатлашиб, одам баҳра олади, уларга тахассуб қилади. Ҳали айтганимиздек, Мўмин ака Қўчқоров ҳам ана шундай камтарин, камсуқум одамлардан. У кишилардан фақат яхшилик излайди. Ҳеч кимга қўрслик, қўполлик қилмайди, ўжарлик ва терсликни орқага ташлайди.***

☼ ☼

Мўмин Қўчқоров 25 йилдан бери бир жойда корхона директори лавозимида муқим ишлаб келмоқда. Шу йиллар ичида у, не-не воқеаларнинг шоҳиди бўлмади дейсиз. Ҳаёт дарслари унинг учун катта сабоқ бўлди. Ҳар бир ишни хушмуомалалик, яхшилик билан битиришга ҳаракат қилди. Ҳамиша давлат, эл-юрт манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйди. Ҳеч вақт ўзига ва ўзгаларга нисбатан бўшашувчанлик қилмади.

Шу муносабат билан бир воқеа ҳеч ёдидан чиқмайди. 90-йиллар бошида автобазалар, автохўжаликлардаги машиналар турли кимсалар, фирмалар ва аллақандай ташкилотларга сотила бошланди. Жуда кўп одамлар келиб, машиналарни сотиш, ижарага бериш, эҳтиёт қисмларини олишни сўрашди. Ва ҳатто тазйиқлар ҳам бўлди. Ҳаммасига сабот ва чидам билан бардош беришга, айримлар билан хафалашиб олишга тўғри келди. Оғир пайтларда одамларга, жамоага суянди, уларнинг фикр-мулоҳазаларига таянди. Лекин ҳеч кимга ён босмади. Ҳаётнинг ўзи бу ишнинг тўғрилигини исботлади. Бошқа автобазаларда машиналар сотилиб кетиб, улар тугатилиб юборилди. Вақт ўтиши билан сотилган машиналар ҳам яроқсиз ҳолга келиб қолди.

Мўмин ака Қўчқоровнинг раҳбар сифатида эътиборли томони, у ҳисоб-китобни пухта билади, сарф бўлаётган ва келиб тушаётган ҳар бир тийин ҳисобини олади. Кейинги пайтларда бензинда ишлаш фойдадан кўра зарар келтира бошлаётганидан кўп боши қотди. Корхона қанчалик кўп буюртмаларни бажармасин, барибир қарздан қутила олмай қолди. Бундай ҳолатда бензинда ишлайдиган машиналарни газга ўтказиш муаммоси кўндаланг бўлиб турарди. Бирданига шунча машинани газга ўтказишнинг ўзи бўладими? Маблағ, ускуналарни қаердан олади, кимдан мадад сўрайди. У кўрсатгичларни иқтисодий таҳлил қилиб, аҳволни вилоят автомобиль трести раҳбарларига тушунтирди, Мўмин аканинг ташаббускорлиги, меҳнаткашлиги ва қўлидан иш келадиган ҳалол, покиза инсонлигига ишонган раҳбарият уни қўллаб-қувватлади. Аста-секинлик билан ўйланган иш поёнига етди. Бензинда ишлайдиган машиналар газга ўтказилди. Булар айтишга осон, бир ишни амалга ошириш учун қанчалик заҳмат-машаққатлар чекиш, асабларнинг таранглашувини айтмайсизми. Буни фақат бошидан кечирган одам билади.

Натижа эса кутилганидан зиёда бўлди. Бензин харид қилиш учун кетадиган катта маблағ тежалди, корхона қарзлардан қутилди. Янги техника ва эҳтиёт қисмларни сотиб олиш имконияти вужудга келди. Иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланди. «Сирдарётранс» уюшмасига қарашли 2513-автожамлама раҳбари, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими», қатор орденлар соҳиби Мўмин ака Қўчқоровдан жамоанинг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги, ютуқлар омили ҳақида сўраганимизда шундай деди:

– Корхонада 25 йиллик умрим ўтибди. Яхши кунларда ҳам, оғир пайтларда ҳам жамоа билан бирга бўлдик. Зарур бўлиб қолган пайтларда туну кун ишладик, ҳеч ким меҳнатдан бўйин товламади. Ҳаракат қиляпмиз, ишлаяпмиз, баракасини беряпти.

Раҳбарнинг баландпарвозликдан холи оддий, самимий гапларини тинглар эканмиз, уни неча йиллардан бери билсакда ҳамон ўзгармаганлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

– Инсонда ҳамма нарсага, нафсга ҳам, мансабга ҳам қаноат бўлиши керак, – деб сўзида давом этди Мўмин ака, – кўнгил нималарни истамайди, дейсиз, қулоқ солаверса у инсонни не куйларга солади. Шу боис, ҳар доим ҳайдовчиларни сабр-қаноатли, чидамли бўлишга чақираман. Уларга қулай имкониятлар яратиб беришга ҳаракат қиламан. Гапнинг рости, бемазаларни жамоанинг ўзи тарбиялаб қўяди.

Ҳақ гап. Жамоа мустаҳкам бўлса, барча ишнинг уддасидан чиқади. Аввалambор, одамлар раҳбарга, унинг инсофлиги, диёнатлилигига ишонсин. Корхона раҳбари Мўмин ака Қўчқоровни жамоа аҳли чин дилдан самимий ҳурмат қилади, унинг йўриғига юради. У ўзининг яхши ишлари билан одамлар кўнглига йўл топа олган. Шунинг ўзи инсонга энг катта бахт, омад, саодатдир.

**Собиржон САЛИМОВ,**
**Каримжон РИХСИЕВ.**

*Замондошимиз*

# ТАЛАБЧАН РАҲБАР, МЕҲРИБОН УСТОЗ

***Каттақўрғонликларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг ёғ-мой акционерлик жамиятининг раиси Искандар Ишбековни қаттиққўл, талабчан раҳбар, моҳир ташкилотчи айни пайтда меҳрибон устоз эканлиги ҳақида фахр ва ғурур билан айтишади. «Шу раҳбар бўлмаганда жамият ҳам бошқа корхоналар сингари иқтисодий жиҳатдан банкротга учраб, фаолияти тўхтаб қоларди», дейди кўпчилик. Бу гапда жон бор.***

Ёғ-мой акционерлик жамиятида меҳнат авжида. Цехларда кеча-кундуз иш тўхтамайди. Маҳсулотлар кун бўйи тегишли жойларга етказилиб турибди. Ишчи-хизматчилар ҳам ойлик маошларини ўз вақтида олишади. Уларга ойлик маошдан ташқари мукофот пуллари ҳам бериб борилади.

Хўш, ёғ-мой корхонасида ана шундай муваффақиятларга эришиш сабаблари нимада? Очиғини айтганда, ҳар қандай муваффақият раҳбарнинг тадбиркорлиги, ташкилотчилиги ва фидокорлигига боғлиқ.

Искандар Ишбековни узоқ йиллардан буён биламан. У 70-йилларда институтни битириб келгач, меҳнат фаолиятини ана шу корхонада оддий механикликдан бошлади. Касби ва вазифасига нисбатан меҳри беқиёслиги, корхона равнақи йўлида жонкуярлиги туфайли цехларни қайта таъмирлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун астойдил жон куйдирди. Шу мақсадда ихтирочилик бўлими билан бевосита ҳамкорликда иш олиб борди. Жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди. Ана шундай ғайратлилиги, ташкилотчилиги ва сиёсий билимдонлиги учун ҳам уни Каттақўрғон шаҳар партия қўмитасига ишга таклиф этишди. Аввал шаҳар, кейинчалик вилоят партия қўмиталарида бўлим мудири, 1984 йилдан, 1991 йилга қадар Каттақўрғон шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби вазифаларида ишлади.

Искандар Ишбеков ўша йиллари шаҳар раҳбари сифатида анчагина ижобий ишларни амалга оширди. Шаҳар халқини ижтимоий ҳимоя қилиш, корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун бор куч-ғайратини сарфлади. Маҳаллаларда ободончилик ишларини олиб борди. Айниқса, шаҳар тозалигига диққат-эътиборини қаратди. Унинг саъй-ҳаракати билан янги турар-жой бинолари бунёд этилди. Мактаб ва ўқув юртлари қайтадан таъмирланди, чиқинди сувлари кетадиган ер ости ҳавзалари қурилди, йўллар кенгайтирилиб, атрофларига турли хил манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Натижада қарийиб 180 минг аҳоли яшайдиган Каттақўрғон шаҳри обод масканга айланди.

Каттақўрғон шаҳри азал-азалдан маънавият ва маданият маскани ҳисобланган. Шунинг учун ўзбек давлат драма театри, кинотеатрлар, маданият уйлари ва кутубхоналар фаолиятига ҳам у алоҳида эътибор бериб келди. Шунингдек, маҳаллаларда маънавият бурчакларини ташкил этиш, аҳоли ўртасида бадиий-адабий кечалар ўтказиш, Каттақўрғон адабий муҳитини жонлантириш, маҳаллий ижодкорлар билан жойларда учрашувлар ўтказишда ҳам ташаббускорлик кўрсатди.

Унинг ана шундай ажойиб хислатлари бугунги кунда катта бир корхонага раҳбарлик қилишида қўл келмоқда. Искандар Ишбековнинг қалб қўрига сингган азалий бир одати бор. У эрталаб ишга келганда дастлаб хонасига кирмайди. Корхона цехларини бирма-бир айланиб чиқади. Ишчилар билан эринмай суҳбатлашади, одамларнинг турмуши, ташвиш ва муаммоларини эринмай эшитади. Иложи бўлса жойида ҳал этади.

Яқинда корхонада қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида мақола ёзиш мақсадида Искандар Ишбеков қабулига бордим.

– У киши билан учрашолмайсиз, – деди котиба, – Навоий шаҳрига кетдилар.

Эртасига яна бордим.

– Бугун ҳам бемаврид келдингиз, – жавоб қайтарди котиба, хўжаликларга чиқиб кетган эдилар.

Ўша куни кечқурун Искандар Ишбековнинг ўзи мени топиб олди. Оддий бир ижодкорга нисбатан эътиборли бўлганидан хурсанд бўлдим. У билан узоқ суҳбатлашдик. Корхона муаммоси бўйича Навоий шаҳри ва туманларидаги ширкат, фермер хўжаликларида бўлганлиги, янги йил ҳосили учун шартномалар тузиб келганлиги ҳақида қувониб гапирди.

– Ўзингиз биласиз, ҳозир олма пиш оғзимга туш дейдиган давр эмас, – сўзини давом эттирди ҳамсуҳбатим, – чигитни қадоқ қўлли деҳқонлар етиштиришади. Улар билан мулоқотда бўлиш, корхонамизга нисбатан эътироз ва эътирофларини тинглаш ҳам керак-да!

– Корхонамизнинг асосий бойлиги унинг ишчилари ва тажрибали мутахассисларида деб биламан, – дейди Искандар Ишбеков сўзини давом эттириб, – уларнинг оиласи тўқ бўлса, бирон нарсага зориқишмаса, ўз-ўзидан аёнки, ишчининг кўнгли тинч бўлади, у самарали меҳнат қилади.

Ана шундай талаб ва масъулият корхона раҳбарининг кундалик шиори ва бош вазифасига айланган. Шу боис ҳам юқори ташкилотлардан унга қандай кўрсатмалар берилмасин, топшириқлар бўлмасин, у ўз имкониятларидан келиб чиқиб, жамоада фидойилик кўрсатаётганлардан бирортасининг ҳам штатини қисқартирмай, ўз ўринларида меҳнат қилиш йўлларини излайди. Шуни қувонч билан қайд этиш жоизки, жамоада ишлаётган ҳар бир ходимнинг ўртача ойлик маоши 40 минг сўмни ташкил этмоқда. Ўтган йили ноябрь ва декабрь ойларида ҳар бир ишчи-ходимга ҳар ойга 5 минг сўмдан овқат пули, 10 минг сўмдан озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун пул ажратилди.

Жамоага ана шундай ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги учун ҳам бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва сифати ортиб бормоқда. Жамоа аҳлининг меҳнатга бўлган муносабати кучаймоқда. Изланиш, жонкуярлик ва фидокорлик кундан-кун авж олмоқда.

Ўтган йили корхонада пластмасса идишга пахта, соя ёғини қадоқлаш цехи реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Келгусида шу ерда кунгабоқар ёғи ҳам ишлаб чиқарилади. Бу жараённинг йўлга қўйилиши корхонанинг шиша идишларга сарфланадиган маблағини тежаб, қулай идишларда ёғ қадоқлаш имконини берди.

Корхона акциядорлик жамиятига айлантирилгач, йилни катта миқдорда фойда олиш билан якунлади. Қиймати 100 сўмлик акцияга 1500 сўмдан дивиденд тўланди.

Корхона тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни Россия ҳамда Эронга экспорт қилиш қизғин давом этмоқда. Жумладан, россиялик ҳамкорлар билан тузилган контракт (шартнома) асосида 2002 йилда қарийб 300 тонна соя, Эрон давлатига 400 тонна пахта кунжараси экспорт қилинди.

Жамият чет эл инвестициясини олиб келиш учун Россиянинг Нижний-Новгород шаҳридаги «Дзержинскийхимпром» корхонаси билан лак-бўёқ маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона очиш ҳужжатларини ҳозирлади. Ушбу қўшма корхонанинг очилиши эса қўшимча 15 ишчи ўрнини барпо этишга олиб келади.

Корхона жамоаси ўтган йилни муваффақиятли якунлади. 13000 тонна ўсимлик ёғи, 12000 тонна кир совун мижозларга етказиб берилди.

«Ватанни севмоқ иймондандир», – дейишади. Ҳақ гап. Лекин ҳар бир инсон ўз Ватанига, шаҳрига, корхонасига бўлган муҳаббатини қандай кўрсатиши, изҳор этиши керак? Менимча, ватанига, шаҳрига, корхонасига эътиқодни И. Ишбековдан ўрганса арзийди. Искандар Ишбеков корхонага раҳбар бўлгандан бери унинг қиёфаси бутунлай ўзгарди. Бу ҳар бир ишчида интизомга, ўз иш жойига бўлган муносабатини юқори поғонага кўтарди.

– Асосий меҳнатни одамлар қилишади, – дейди Искандар. – Корхонамизда эса ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган, эл-юрт учун ёниб тер тўкаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Бош муҳандис Юрий Токарев, экстрация ва тайёрлов цехларининг бошлиқлари Раҳматулла Раҳимов, Нормурод Ҳасанов, техника бўлимининг бошлиғи Муҳаммади Ҳайитов, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимининг бошлиғи Татьяна Комарова, ҳамда ёш, олий маълумотли мутахассислар Азим Ризаев, Алишер Муродов, Вали Саидов сингари фидоийлар билан ҳақли равишда фахрланса арзийди.

Жамоамизнинг аҳиллиги, меҳнатсеварлиги, фидокорлиги туфайли ҳам ойлик ва йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш режаларимиз ортиғи билан бажарилмоқда. Меҳнат аҳлининг қадоқ қўллари билан элимизга хуштаъм пахта ҳамда масҳар, соя ва кунгабоқар мойларини, хўжалик совуни, чорвачилик хўжаликлари учун кунжара, шелуха, кунгабоқар чиқиндилари озуқаси етказиб бераяпмиз.

Ёғ-мой комбинати акционерлик жамияти меҳнат аҳлининг бу йилги ниятлари янада улуғ ва улкан. Улар 2000 тонна масҳар, 10000 тонна кунгабоқарни қайта ишлаб, эл дастурхонига тортиқ этишмоқчи. Ана шу улкан ютуқларни муваффақиятли бажаришда жамият раиси Искандар Ишбеков ўзининг раҳбарлик маҳоратини ишга солиб, кеча-ю кундуз тер тўкмоқда.

Корхона жамоаси халқаро хотин-қизлар куни 8-март байрамини зўр кўтаринкилик билан кутиб олмоқда. Аёлларга алоҳида ҳурмат кўрсатилаяпти. Уларга совға-саломлар, моддий ёрдам учун катта маблағ ажратилган. Эртанги байрам тантаналари зўр шоду хуррамлик билан ўтиши учун ҳамма нарса тахт.

**Асқар ЖАЛИЛОВ.**
**«Адолат» мухбири.**



# Аёл борки, олам мунаввар



## «СИЗ АЙТГАН АЛЛАДА ГУЛ ИСИ БОРМИ...»

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Хосият БОБОМУРОДОВА – шоира, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси:**

– Ўтган йили кузда мамлакатимиз Президентининг Самарқандга сафари ва вилоят пахтакорлари билан учрашуви чоғида оқдарёлик фермер Норгўзал Лапасованинг ҳаяжонларини шеър қилиб ёзгим келади. У Юртбошимизга қишлоқнинг бугуни ва эртаси айнан фермерлар қўлида эканлиги, пахтакор меҳнатини енгиллаштириш чоралари ҳақида бурро-бурро сўзлайди. Ўз турмушини мисол қилиб келтиради.

Етилган бошоқларимни қулатмагил, дея шамолу ёмғирларга илтижо қилган пахтачилик раиси Фотима Тўхтапўлатовани ҳам жонкуярликда унга қиёслайман. Иккиси ҳам дала ошуфтаси. Элга ризқ-насиба топиб улашаётган кишилар.

Жасоратли аёллар. Улар қийинчиликлардан асло чўчишмайди. Мудом ташвишларда ҳаловат ишлаб яшашади. Каттақўрғон шаҳар иқтидорли ўқувчилар гимназияси директори Дилбар Бобомуродова, Тойлоқ туман рўзномаси муҳаррири Умидахон Қурбонова, Каттақўрғон туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Шаропова ва бошқа ўнлаб фидойи аёлларни шулар жумласига қўшиш мумкин. Самарқанднинг ҳайратлари қалбига шеър ишқини солган ижодкорлар озмунчами? Зулфия мукофоти совриндори Гулжамол Асқаровани бутун мамлакат танийди. Шеърларида ёниқ муҳаббат бор, Ватан дарди бор.

Ижодга, санъатга, касбу корига ташна кўнгиллар. Улар билан ҳаёт гўзал, умр сермазмун. Ҳайратларим шеърга тўкилади:

**Сиз айтган аллада гул иси борми,**
**Тонг иси, ой иси, дил иси борми?**
**Ғолиб сафарларга кетгай болангиз,**
**Қуёш иси борми, йўл иси борми?**

Бугун яна бир карра иқрор бўлаяпмиз – аёлсиз ҳаёт чароғон эмаслигига. Умр гулшани аёл муҳаббати билан яшнагай. Унинг аллалари, қўшиқлари, эртаклари билан гўзал жозиба касб этгай.

**Ботирлар улғаяр бешигингизда,**
**Эркак кулиб чиқар эшигингиздан.**
**Сиз алла айтсангиз қандоқ**
**айтасиз,**
**Қандайин сеҳр бор қўшиғингизда?**

**Раҳима ҲАКИМОВА – вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокими ўринбосари, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати:**

– Вилоят ҳокимлиги хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини таъминлаш учун сезиларли ишларни амалга ошираётганлигини таъкидламоқчиман. Шаҳар ва туманларда, маҳаллаларда бу борада янги-янги ташаббуслар юзага келмоқда. Аёллар меҳнат қилаётган корхона ва ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш дастуридаги вазифалар ижросини назорат қилиш жараёнида вилоятда кўплаб янги иш ўринлари, тиббиёт, даволаш, ўқув муассасалари барпо этилганлиги қувонарлидир. Айниқса, вилоятнинг олис қишлоқларида саноатни ривожлантириш, ҳунармандчиликни йўлга қўйиш, маданий-маиший хизмат турларини кенгайтиришга астойдил ҳаракат қилинмоқда.

Шу ўринда мен 8-март байрами муносабати билан вилоят ҳокимлиги уюштираётган тадбирларга алоҳида тўхталмоқчиман. Қутлуғ сана арафасида Самарқанддаги энг кўркам «Афросиёб» меҳмонхонасида вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёев энг фаол хотин-қизлардан 350 нафарини қабул маросимига таклиф этган. Шу куни уларга алоҳида иззат-икром кўрсатилади, мукофотлар топширилади, катта концерт дастури намойиш этилади. Вилоят туманларидан ташриф буюрган яна 200 нафар онахонларимиз эса Пайариқдаги Имом ал-Бухорий зиёратгоҳига олиб борилади. Бундан ташқари узлуксиз даволанишга муҳтож, ногирон аёлларга бепул аравачалар, совғалар улашилади. Мактабларда, маҳаллаларда, корхоналарда ҳам ранг-баранг тадбирлар ўтказиш белгиланган. Ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган моддий ёрдамга муҳтож оилаларнинг яшаш жойларига байрам совғалари етказилади.

**Суҳбатдош:**
**Тоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
**Адолат»нинг ўз мухбири.**

***Қурсия Эсонова Бухоро вилоятининг Пешку туманида туғилган. Қўшиқ айтишига илк бор ота-онаси туртки берган. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ турли танловларда иштирок этиб юрарди. Мактабда устози Салим Наимов Қурсиянинг санъатга қизиқишини илғаб, унинг иқтидорини шакллантирди. Қурсиянинг қўшиқ айтишга қизиқиши уни Тошкент Санъат институтига етаклади. Уни битиргач, Қурсия Эсонова «Дуторчи қизлар» ансамблига ишга келди. Мана шунга ҳам 20 йилдан ошиқ вақт ўтибди. Бу йиллар орасида қўшиқчи ўзини топлади, ҳам мумтоз, ҳам эстрада йўналишида кўплаб қўшиқлар ижро этди. 2000 йилда унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берилди.***



## «БАҲОРНИ ЯХШИ КЎРАМАН»

*«Дуторчи қизлар» ансамблининг яккахон хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қурсия ЭСОНОВА билан суҳбат*

**– Қурсия опа, баҳор сизга нимаси билан ёқади?**

– Мен баҳорни, атиргулни яхши кўраман. Нима учун? Ўзим шу фаслда туғилганман. Баҳорда табиатнинг ўзгаришини кузатганмисиз. Ҳамма ёқ ям-яшил, ўрик гули оппоқ, атрофга боқиб тўймайсиз. Янгиланиш, яшариш айёми – Наврўзи олам кириб келади. Маҳаллалар ободонлаштирилади. Хуллас, баҳор ёш келинчакдай ҳаммани ўзига ром этади.

**– Ўзингизга ёққан қўшиқларингиз қайси бири.**

– Ҳамма қўшиқларим ўзимга ёқади. Айниқса, мумтоз қўшиқлар – лапарлар, мақом жанрида ижро этилганларини қадрлайман. Масалан, булардан: «Чапандози сувора – Сафти суворaси, билан», «Феруз-1», «Феруз-2», «Гиря», «Тошкент ироғи» ва бошқаларни айтиб ўтишим мумкин. Эстрада жанрида ҳам кўплаб қўшиқларим бор. Ўтган йили Наврўз арафасида «Наврўзи олам келди» қўшиғини ижро этдим. Баҳор ҳақида, муҳаббат ҳақида ҳам бир неча қўшиқларим бор.

**– «Дуторчи қизлар»даги фаолиятингиз қандай кечаяпти, қандай янги қўшиқлар устида ишлаяпсиз?**

– «Дуторчи қизлар» ансамблига 1980 йилда ишга келганман.

Устозимиз Ғанижон Тошматовдан мақом сирларини ўргандим. Ҳозирги пайтда 30 га яқин ҳамкасбларим билан қайноқ ижод қучоғидамиз. Замира Раҳматуллаева раҳбарлигида ранг-баранг қўшиқлар яратиш билан бандмиз. Ўзим яккахон хонанда сифатида ҳам янги қўшиқлар яратаяпман. Яқинда яратганим, марҳум шоир Муҳаммад Юсуфнинг «Умр ўтказдик» шеърига куй басталаб, қўшиқ қилдим. Жуда маъноли қўшиқ бўлди.

**Дарёдек чайқалиб,**
**дарёдек тошиб,**
**Тўфондек тўхтамай умр**
**ўтказдик.**
**Ориятдан кечиб, обрў**
**талашиб,**
**Одамдай яшамай умр**
**ўтказдик.**

**Севганни сийламоқ**
**қўлдан келмади,**
**Суймасга суйкалиб**
**кўнгил тўлмади.**
**Дўст ҳолин сўрмакка**
**фурсат бўлмади,**
**Йўқладик, йўқламай умр**
**ўтказдик.**

Қаранг, бу умр ҳар биримизга ғанимат, ота-она, ёру дўстни йўқлаб туриш, инсонлар ўртасида меҳр-оқибатни кучайтириш доимо керак. Шунинг учун инсонларга бир-бирингизни авайланг, дер эдим.

**– Фарзандларингиз ҳам қўшиқ айтадими?**

– Бир қизим, бир ўғлим бор. Ўғлимда қўшиқчиликка ҳавас кучли. Қўшиқлар айтиб туради. Ўзим ҳам йўл-йўриқ кўрсатиб бораман. Шу ўғлимни қўшиқчи бўлишини хоҳлардим. Қизим Шарқшунослик институтида ўқийди. Унинг нияти таржимон бўлиш.

**– 8—март байрами муносабати билан аёлларимизга тилакларингиз...**

– Энг аввало мени вояга етказган онажонимни табриклайман. Бахтимга доимо соғ-саломат бўлсин! Юртимиздаги барча аёлларни байрамлари билан «Дуторчи қизлар» номидан муборакбод этаман. Аёллар юрт кўрки, аёлсиз уй—саҳродаги чўл. Аёли бор хонадон жаннати хонадон. Бугунги кунда аёлларимиз жамиятимизнинг ҳамма соҳаларида эркаклар билан баббаравар қадам ташламоқда. Элу юрт равнақига фидойи меҳнатлари билан ҳисса қўшаяптилар. Шунинг учун аёлларимиз соғ-саломат бўлсин, оиланинг муносиб бекаси, жамиятнинг гултожи бўлиб юраверсин. Гўзаллик уларни тарк этмасин.

**Зокиржон ҚЎЗИБОЕВ**
**суҳбатлашди.**

## МУАЛЛИМАНИНГ ЙЎЛИ

***Орзуга айб йўқ, дейдилар. Дарҳақиқат кимдир олимликни, кимдир шифокорликни, кимдир шоирликни орзу қилиб яшайди. Турмуш—орзулар шамоли остонангдан абадий ҳилпираб турганидагина кўркам.***

У мактабда ўқиб юрган кезларида «Фан» олимпиадасида қатнашиб, ўзбек тили ва адабиёти бўйича биринчи ўринни олган эди. Шу туртки бўлдими, ўрта мактабни битирибоқ ўйлаб ўтирмай Термиз давлат муаллимлик олийгоҳининг «Ўзбек тили ва адабиёти» куллиётига ўқишга кирди...

Коллеж дарсхоналаридан ўтиб бораяпмиз. Қандайдир ғазални қўшиққа солиб ҳиргойи қилиб айтаётган аёлнинг овози эшитилди.

**Кун ҳамалга кирди,**
**эрди келди олам**
**Наврўз,**
**Кечди баҳман зам**
**ҳарир қиш, қолмади**
**қари, бўзи.**

– «Кўрдингизми, Рабғузий ҳазратлари наврўзи оламни гўзал лаҳзаларда таърифлайдилар...»

Ялт этиб ҳамроҳим Абдуқаҳҳор акага юзландим. У киши қандай савол билан мурожаат қилишимни олдиндан пайқади:

– Таажжубланаётгандирсиз. Мусиқа дарси эмас, адабиёт дарси. Муаллима Раҳима Эшбоева дарс ўтаяпти. У 16 йилдан буён биз билан бир сафда. Ўқувчиларга адабиётдан Раҳимадек дарс берувчи муаллимани сира учратмаганман. У мумтоз адабиётимизнинг ҳуқуқий ихлосманди. Фузулий, Навоий, Бобур, Фурқат, Увайсий, Нодирабегим ғазалларини ўқувчи онгига етказишда оҳанграбо усуллардан фойдаланади. Бунга унинг санъатни севиши, ижрочилиги қўл келади. Байрамларимиз унинг ёқимли ҳонишлари билан янада дилкаш ва файзли ўтади, – дейди Сурхондарё вилояти, Узун тумани маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директори Абдуқаҳҳор ака Ҳалилов.

Директорнинг оддийгина хонаси. Коллеж ўқувчиларининг вилоят, республика олимпиадаларида қўлга киритган кубоклари кўзни қамаштирарди. Эшикнинг унсизгина очилиши билан камтарона ва қишлоқча кийинган, қотмадан келган қорамағиз аёл кириб келди.

Тангрининг иноятига таҳсинлар ўқигинг келади. Нигоҳ ташласанг, қишлоқларимизда хўп ажойиб, талантли кишиларимиз бор. Юрагига қўл солсанг, ўзгача бир оламга дуч келиб қоларкансан киши. Иболи, олмий ҳиммат, мунислик бир умрга уларга доимо зеб бериб туради.

– Адабиёт фанига ихлосим баланд. Классик шеърият жони-дилим. Уларсиз бир сония ҳам яшолмайман. Шу боисдан бўлса керак илк бор юрагимдаги мисраларни оппоқ қоғозга кўчиргандим, – дейди Раҳимахон қўлидаги қоғозни узатиб.

**Учма асло жонгинам,**
**шум рақиблар иғвосига**
**Кўнглима озор бериб**
**ўзгани ёр этма ҳеч.**
**Тушма мағрурлик ила**
**сен ҳусн даъвосига,**
**Аввали севдим дебон**
**асло инкор этма ҳеч.**

Раҳима Эшбоева ёшларга билим бериш билан бир қаторда ушбу таълим масканида хотин-қизлар қўмитаси саркори ҳамдир. Бу ерда хотин-қизлар ҳаётига доир масалалар намунали йўлга қўйилган. «Қизлар давраси», баҳс ва мунозарали кечалар, «Қизлар айтишуви», Алишер Навоий ҳамда Муҳаммад Мирзо Бобур ҳазратлари адабий кечаларини у доимо бошқариб боради. Талаба Нафиса Хўжанова, Насиба Гуловалар шеъриятни севишда устозларидан қолишмайди. Агар ундан шогирдлари ҳақида гап очсангиз у ойдек ёришиб, қуёшдек чақнаб кетади. Ой эса доимо мунаввар нурлари билан олам кечасини ёритиб келган...

**Турсун МАХМАДАЛИЕВ,**
**«Адолат» мухбири.**

## ЎЗБЕК АЁЛИ БУ...

***– Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш Шарққа, айниқса, ўзбек халқига хос олийжаноб хусусиятлардан биридир. Аёл – Аллоҳ таоло яратган табиатнинг энг буюк мўъжизаси. Табиат азиз аёлларимизга мунислик ва мушфиқликни, эзгулик ва нафосатни абадий фазилат қилиб берган. Ҳар бир инсон кўнглини мунаввар қилгувчи, наинки оилага, балки бутун жамиятга аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишлагувчи аёлдир.***



Бу ҳақда Андижон шаҳар «Компьютер технологиялари» коллежи директори Зулфия опа Шокирова доимо фахру ифтихор билан сўзлайди. Аёлларимизнинг бугунги гулгун ҳаётимизда тутган ўрнидан тўлқинланади. Зеро, Зулфия опанинг ўзи ҳам бир аёл эришгулик саодатга етишган, унинг чексиз қувончларидан баҳраманд бўлган аёл. Андижон шаҳрида туғилган Зулфия опа шу ердаги 30-мактабнинг намунали ўқувчиларидан бири эди. Онасидан ёшлигидаёқ ажралиб, она меҳрини кўрмаган бу мунис аёл ҳозир ўзи раҳбарлик қилаётган коллежнинг барча ўқувчиларига ўз оналаридек меҳрибон бўлиб қолган.

– Болаларимизнинг кўнглига қандай ниятларни солсак уларнинг камолоти шунга қараб бўй кўрсатади, – дейди Зулфия опа биз билан суҳбатда. – Ҳар бир хонадоннинг ўзига яраша тарбия йўриғи бор. Фарзанднинг келажагини унга ёшлигиданоқ бериладиган тарбия белгилайди. Тўғри ҳар бир фарзанд учун аввало ўз онасидек меҳрибон инсон йўқ. Лекин улар билим масканимизга келган пайтида ўғил-қизларга тўғри муомала қилиш, уларнинг вазиятини, ички дунёсини тушуниш ва шу орқали уларни хато қилишдан асраш ҳаммамизнинг зиммамиздадир.

Зулфия опа Шокирова ўз ишининг устаси. Билимга ўч бу аёл ўз устида ишлашни сира канда қилмайди. 1973 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлаган Зулфия опа она шаҳрига қайтиб тўқимачилик комбинатида аввал шогирд, кейин тўқувчилик цехида уста бўлиб фаолият кўрсатди. 1990 йили Москва ижтимоий фанлар академиясини имтиёзли диплом билан тугатди. Ижтимоий ҳаётда фаол қатнашди.

1998 йилга келиб Саноат касб-ҳунар лицейи директори этиб сайланган Зулфия опа Шокирова лицей мавқеини ошириб, тез орада уни «Компьютер технологиялари» коллежига айлантирди.

– Зулфияхоннинг жамоамизга раҳбар бўлиб келганига беш йил бўлди, – дейди коллежнинг инглиз тили ўқитувчиси Санобар опа Мамадалиева. – Шу пайтгача мен бу аёлда болаларга, ўқувчиларга бўлган кучли меҳр қанчалар чексиз эканлигини пайқадим. Коллеж ўқувчилари билан бирма-бир суҳбатлашишлари, уларга меҳрибонлик билан ёндошишлари кўпчилигимизни ҳайратга солди. Худога шукр, беш йил мобайнида аввало лицейимиз коллежга айлантирилди ва албатта бунда Зулфияхоннинг меҳнати катта.

Зулфия опа ҳақида қанча гапирсак барибир оз. Негаки, у ҳалол меҳнат қилиш билан бирга оила тебратиб, уч нафар фарзандни вояга етказди. Уларнинг орқасидан ҳозир фақатгина раҳматлар эшитмоқда. Опа буларнинг ҳаммасига кучли ирода ҳамда меҳнати орқали эришган.

– Катта қизим Нилуфар тиббиёт ходими, иккинчи қизим Нафиса муҳандис, ўғлим Мирзо Улуғбек эса иқтисодиёт университетининг III курс талабаси ҳамда «Пахтабанк» ходими, – дейди Зулфия опа фахр билан. – Умуман, барча эришган ютуқларим, эл учун қилган ишларимнинг кўпида менга турмуш ўртоғим Алижон ака катта ёрдам кўрсатган. Академияда ўқиган кезларимда мени қўллаб-қувватлаб, фарзандларим учун ҳам она, ҳам ота ўрнини ўтаганлар. Бугун ўша кунларнинг роҳатларини кўраяпман, фарзандларим камолидан мамнунман.

Аёл кишига нимаики керак бўлса, барчасини ўзида мужассам этган бу саодатманд аёл ҳақиқатан ҳам бахтли аёлдир.

**Дилафрўз**
**АБДУРАҲМОНОВА,**
**«Адолат» мухбири.**

## *Қизлар мушоираси*



### ЎЗБЕГИМНИНГ ОНАСИ

**Оилага қут берган,**
**Болага оқ сут берган**
**Бахт берса ҳам бут берган,**
**Покизалик қояси**
**Ўзбегимнинг онаси.**

**Оқ суягим. Фариштам,**
**Ҳовлилари сариштам,**
**Тенг келолмай, лол ҳотам,**
**Яхшиликнинг сояси,**
**Ўзбегимнинг онаси.**

**Тўмарислар зотидан,**
**Барчинлар саботидан,**
**Зулфия баётидан,**
**Озодликдир ғояси,**
**Ўзбегимнинг онаси.**

**Тинчлик йўлин танлаган,**
**Белин маҳкам боғлаган**
**Ўзлигини англаган,**
**Улуғ халқнинг дояси**
**Ўзбегимнинг онаси.**

### ВАТАН

**Ватан сўзи бисмиллоҳим,**
**Унингсиз бир ишим битмас.**
**Усиз дилга тўлур оҳим,**
**Унингсиз бир куним ўтмас.**

**Менинг жону-дилим Ватан,**
**Воҳ-эй, узун тилим Ватан.**
**Севиб қучган гулим Ватан,**
**Меҳри ўнгим-сўлим Ватан.**

**Ватан сўзи юрагимда.**
**Қизил гулдай ўсиб ётар.**
**Эртаю кеч тилагимда,**
**Тилагимда бахтга ботар.**

**Ватан улуғ ўтмишимдир,**
**Аждодларим – пок иймоним.**
**Кечаётган кечмишимдир,**
**Томиримда оққан қоним.**

**Мен Ватанни суёдирман,**
**Тилим кесинг ундан тонсам.**
**Кўзимда ёш қуёдирман,**
**Соғинч бўлиб унга томсам.**

**Менинг жону-дилим Ватан,**
**Воҳ-эй, узун тилим Ватан.**
**Севиб қучган гулим Ватан,**
**Меҳр ўнгу-сўлим Ватан.**

**Дилбар ҲАЙДАРОВА,**
**Наманган шаҳри.**

### СУҲБАТДОШИМ БЎЛ, ЧАШМА

**– Ҳой чашма, гўзал чашма,**
**Манзилинг томон шошма.**
**Бўл менга содиқ ҳамроҳ,**
**Суҳбатинга мен ташна.**

**Айт, қай томон шошасан?**
**Қай довонлар ошасан?**
**Улашиб ерга сувинг,**
**Ўйнаб-кулиб тошасан.**

**Борар еринг айт менга,**
**Зўр ҳамроҳ бўлай сенга.**

**Кенг далалар кезайин,**
**Куч-қувват олай дилга.**

**– Йўқ, шошма менинг дўстим,**
**Дала кезайин ўзим.**
**Менга оқ йўл тилагин**
**Дала кутмоқда сувим.**

**– Борақолгин чашмаой,**
**Далаларни яшнатгин.**
**Сувларинг улашганча,**
**Элнинг кўнглин яйратгин.**

### БАҲОР КЕЛСА

**Дала-ю, ҳиёбонлар,**
**Гул-лолага бурканар.**
**Майсалар қуёш нурин,**
**Қирқ кокил қилиб тарар.**

**Булоқлардан чиқиб сув,**
**Шўх-шўх ўйнаб кулади.**
**Шамоллар эсиб ғув-ғув.**
**Ердан ҳосил унади.**

**Кокилин ўриб қизлар,**
**Жамалаклар тақади.**
**Ариқ бўйи ялпизлар,**
**Ҳиди дилга ёқади.**

**Учиб келар қалдирғоч,**
**Бойчечакни соғиниб.**
**Дер қуёшга нуринг соч,**
**Кетсин гуллар очилиб.**

**Ҳилола ТЎЙЧИЕВА,**
**Самарқанд шаҳри.**

### ТЎЙ



**Элас-эласлардан карнай садоси,**
**Чалиниб турарди қулоқларимга.**
**Вужудим титрарди тинглардим, аммо,**
**Юрак юриш бермас оёқларимга.**

**Тикка турганимча хаёлга ботдим,**
**Сен-ла ўтган кунлар тушди ёдимга,**
**Дардларимни пинҳон ичимга ютдим,**
**Биламан келмассан энди ёнимга.**

**Зулматни ёритган олам қуёши,**
**Ҳавасла боқади никоҳ тўйингга,**
**Юзларимни ювар аччиқ кўз ёши,**
**Келинчак муборак ёрим уйингга.**

### МЕН УЧУН АЗИЗ

**Мен сизни соғиниб кутиб яшайман,**
**Мени ҳам қайдадир кутиб яшайсиз,**
**Ҳаёт йўлларимга олисдан туриб,**
**Меҳрингиз тафтидан гилам**
**тўшайсиз.**

**Излайсиз баҳору, қишу, ёзлардан,**
**Сўрайсиз мусаффо, оппоқ**
**тонглардан,**
**Сиз, «салом» йўллайсиз мунаввар**
**қалбдан,**
**Мен «жавоб» йўллайман шеърий**
**бонглардан.**

**Кўнглимдан ҳис қилиб биламан**
**сизни.**
**Садоқат йўлини танлагансиз, сиз.**
**Гарчи кўрмасангиз бир бора мени,**
**Кўзингиз нигорон кутмоқдасиз,**
**сиз.**

**Ҳаёт йўлимизни бир қилгин дея,**
**Тақдири азалдан тинмай тилайсиз,**
**Сизнинг соф ҳам эзгу муҳаббатингиз,**
**Мен учун қадрли, мен учун**
**азиз.**

**Муқаддасхон АҲМЕДОВА,**
**Андижон шаҳри.**



**Байрамингиз минг бора,**
**Муборак онажоним!**
**Сизга меҳрим тобора,**
**Ошар, жону-жаҳоним.**
**ШОҲСАНАМ.**

## ҲИКМАТ

**Аёлсиз уй – жонсиз жасад. Қайси уйда хотин бўлмаса чироғи йўқ базмга ўхшайди. Ҳакимларнинг айтишича, хотини йўқ эркак қарори йўқ енгил нарсага ўхшайди, бундай эрнинг ҳеч ерда қуними бўлмайди. Ҳаёт гулдастасини боғлаб турувчи шероза ва ҳаё чаманини яшнатиб турувчи гул аёллардир.**

## *АЗИЗИМ, ЖОНИМ, БАҲОР*

*(Қатра)*

Фасллар келинчаги – Баҳор! Сенда қандайдир куч борки, қалбни фараҳбахш сурурга тўлдирасан. Қаҳратон қишнинг совуқ сурати заминга сингган сари дил меҳрингга талпинади. Олислаб кетган қуёшнинг иссиқ тафти, оламга қадалиб Замин уйғонади: сабза урган майсалар, куртаклари жилмайиб турган новдалар, қайта дунёга келганидан масрур бўлса ажаб-мас.

Баҳор яратиш фасли бўлганлиги боис Аёлга ўхшайди. Аёл қалбининг нозик ҳислари баҳорнинг муаттар исли гулларига ошно ҳамиша. Дил туғёнидаги тенгсиз муҳаббат ажиб бир жило касб этадики, руҳ бундан таскин топади. Кимнидир қишнинг сукунатга чўмган кунлари мудратиб қўйган бўлса, кимгадир уйғониш завқини берди. Биров саодатдан баҳраманд энг яқин дўстлари қуршовида, яна кимдир бахтин изламоқда.

Олам ажиб бир сир-синоатларга тўлаки бунинг изоҳини топиш осон эмас. Лекин умид ҳар кимга ошно бўлсин деб ният қилмоқ керак. Баҳор тонгидек бокиралик, баҳор ёмғиридек илиқлик, баҳор моқалдироғидек шиддатли бўлган киши бахтли назаримда.

Тўқсон ёшни қарши олган момоларим сумалак таъминни соғинишдими, уйида буғдой унаётир. Келинчаклар тандир ёнида уймаланиб қолишди, зум ўтмай кўк сомса иси атрофни тутади. Қизларнинг адирда лолалар билан тиллашиши, қулоч-қулоч лолалар тақдимидан хурсанд оналар дилидаги эзгу ният—элга омонлик, юртга тинчликдир.

Азизим, жоним Баҳор! Сени суймай бўлурми, сенинг нафасингдек тозалик, сенинг осмонингдек мусаффолик ҳар қалбга ошно бўлсин!

**Вилоят ШОДИЕВА.**

## *РАССОМ ХАНДАСИ*



**Қўш табрик.**



**... Сўзимнинг охирида, сизни қимматлигим, байрам билан табриклашга рухсат этинг!..**

